O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади. **Муштарийларимиз сафида бўлинг!** Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 4-iyun, №25 (582)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**


## ҲОКИМНИНГ КЎЛАНКАСИ МАЙДОНМИ?



***Тўғри, ҳокимлик кишига катта масъулият юклайди. Туманни бир оилага қиёс қиладиган бўлсак, ҳоким шу оиланинг бошлиғи — етакчисидир. Турли тоифадаги одамлар билан суҳбатлашиб, уларнинг кўнглига йўл топиш, ечимини кутаётган ўнлаб муаммоларни бартараф этиш осон эмас. Аммо...***

➪ 2-бет

## ЖОРЖ САНД — ЖУРНАЛИСТ



***Орадан бир ой ўтгач, Санднинг яна бир публицистик чиқиши бутун Францияни оёққа турғизади. "Эклерёр де л'Эндр" газетаси адибанинг шарҳи остида парижлик бир новвой мактубини эълон қилади. Бу ишчининг дарду аламга тўла қайғу дафтари эди.***

➪ 4-бет

## ЗАМОННИНГ ЎЗИ ЎЗ ҚАҲРАМОНИНИ ЯРАТАДИ



***Президентимиз Ислом Каримов Амир Темур тарихига бағишланган маъруза ва мақолаларида тўртта нарсага диққатни қаратадилар. Биринчи, Амир Темур буюк давлат арбоби; иккинчи, Амир Темур буюк бунёдкор; учинчиси, илм-фан ҳомийси; тўртинчиси, буюк саркардалик фаолияти.***

➪ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июнь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси Ричард Баучерни қабул қилди.
- **2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ф.Ш.Акбаровани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.**
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 3 июнь куни "Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман ҳамда унинг минтақавий вакиллари фаолияти: Франция ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.
- **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Тошкент юридик коллежида "Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди. Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, марказий ОАВ вакиллари ва ташкилотлар ахборот хизматлари ходимлари ҳамда коллеж талабалари иштирок этишди.**
- Тошкентда 29-30 май кунлари «Сиёсий ва иқтисодий модернизация шароитида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.
- **Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида Марказий Осиёда биринчи бўлиб юрак аритмия хасталигини жарроҳлик йўли билан даволашнинг ноёб усули жорий этилди.**

РАҒБАТ

# Бўлажак журналистларга эътибор

**Ёшларга алоҳида эътибор кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш халқимиз менталитетига азал-азалдан сингиб кетган. Айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**



Соғлом авлодни вояга етказиш, эртанги кун эгалари бўлган ёшлар камолоти йўлида барча зарур ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, уларнинг билими, ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар бўлиб етишишлари учун дунё талабларига жавоб берадиган қанчадан-қанча мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг қисқа вақт ичида қурилиб фойдаланишга топширилганини бир ўйлаб кўрайлик. Бу улкан, кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари нима учун, ким учун яратилмоқда?! Албатта, ёшлар учун. Ёки спорт соҳасига эътиборни олинг. Мактаб ўқувчиларидан тортиб, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим даргоҳлари талаба-ёшлари иштирок этаётган тадбирлар, анжуманларни ўтказишдан мақсад не? Албатта, ёшларимизнинг келажаги буюк бўлсин.

Жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас. Албатта, бу ишлар ҳақида узоқ тўхталиш мумкин.

Хусусан, мамлакатимиздаги тижорат банклари ҳам хайрли ишларга кўплаб қўл уришаётгани ғоятда қувончлидир.

Айниқса, банклар томонидан ёш оилалар учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратилаётгани нур устига нур бўлди. Бугун юртимиздаги юзлаб ёш оилалар банклар кўмагида уй-жойли бўлиш бахтига эришмоқда.

Жорий йилда очиқ акциядорлик-тижорат "Турон банк" яна бир хайрли лойиҳани амалга оширди. Банк жамоаси мамлакатимизда ёш журналист кадрларни тайёрлашда ўзларининг беғараз кўмагини беришга аҳд қилишди. Шу мақсадда мамлакатимиздаги икки нуфузли олий ўқув даргоҳи — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетининг журналистика факультетларида шартнома асосида таҳсил олаётган кам таъминланган оилаларда улғайган иқтидорли талабалардан 10 нафарига 2007-2008 ўқув йили бўйича шартнома тўловлари ўтказиб берилди. Энг қувонарлиси, бугун ижод оламига эндигина кириб келаётган ёшлар — эртага жамият учун хизмат қила оладиган етук журналистлар бўлиб етишишларини ҳисобга олсак, оммавий ахборот воситалари тизимининг келгуси ривожида очиқ акциядорлик-тижорат «Турон банк»нинг бундай кўмагини юқори баҳолаш мумкин. Зотан, ОАВнинг ривожи бошқа соҳалар тараққиётига-да таъсир этиши шубҳасиз.

Лойиҳа соҳиби бўлган талабаларнинг дил сўзларини айнан келтириб ўтмоқчимиз:

**Нафиса РУСТАМОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети 4-босқич талабаси:**

— Тўғрисини айтсам, университетни битиришимга бир йил қолганда, шартнома пулини тўлай олмасам-а, деган ташвиш билан ҳаловатим йўқолган эди. Ҳатто дарслар давомида ҳам шу фикр хаёлимни банд этарди. Раҳмат, «Турон банк»нинг ушбу саховатидан жуда миннатдорман. Айни кунларда эса «Сарлавҳа танлашда илм ва маҳорат» мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб боряпман. Худо хоҳласа, ўз йўналишим бўйича магистратура босқичига ҳам ҳужжат топшириб, илмий изланишларимни чуқурлаштириш ниятим бор.

**Жалолиддин ЭШНИЁЗОВ,**
**ЎзДЖТУ журналистика факультети талабаси:**

— Шу лойиҳанинг ташаббускорларига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Биз — ёшлар учун бу юксак рағбат намунаси деб ўйлайман. Кўрсатилган эътибор ва ишончни оқлашга қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

**Феруза БЕРДИЕВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети 1-босқич талабаси:**

— Болалигимдан журналист бўлишни орзу қилардим. Университетга ҳужжат топшириб, ўз орзум сари илк қадам ташлаганимда тўлов-шартномаси асосида ўқишга қабул қилинганимни билиб бироз ташвишда эдим. Оилавий шароитимизни ҳисобга олиб бу муаммонинг ечимини ўйлаб юргандим. Аммо «Турон банк»нинг беғараз кўмагини қўлга киритганимдан бошим кўкка етди. Мен буни қарз деб биламан. Насиб этса, журналистика майдонида айтмоқчи бўлган сўзларим билан бу қарзимни узишга астойдил ҳаракат қиламан.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**ЎзДЖТУ журналистика факультети 1-босқич талабаси:**

— Олий таълим даргоҳига ўқишга кирганимда қанчалар севинган бўлсам, юртимизда ана шундай эътиборли, ёшларни қўллаб-қувватлайдиган тижорат банклари борлигидан шунча фахрландим. Мен келажакда қалами ўткир журналист бўлиш орзусидаман. Насиб бўлса, орзум қанот бўлса, юртимиздаги банклар соҳасидаги хайрли ишлар ҳақида ҳам катта-катта очерклар ёзаман, деб дилимга тугиб қўйдим.

Ҳа, лойиҳа совриндорлари бўлган талаба-ёшлар республика "Турон банк"нинг кўмагидан жуда миннатдор.

Қолаверса, бу хайрли ташаббусни нафақат талаба-ёшларга, балки миллий журналистикамизга ҳам бўлган ҳурмат деб баҳоласак янглишмаймиз. Негаки, бугун бундай моддий ва маънавий рағбатдан мамнун талабалар эртанги журналистикамиз вакилларидир.

**Ислом СУЛТОНОВ**




**Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.**


ТАФАККУР

# Стратегема

## фикрлаш ва енгиш илми

Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнларига бугун ижобий ҳодиса сифатида қаралаётган бўлса-да, уларнинг миллий ва индивидуал онгнинг ўз "мен"ини эркин намоён этишига халақит берадиган воқелик эканини сезиш қийин эмас. Ҳаёт тарзини, маданий ранг-барангликни, тафаккурни ва қонунларни унификациялаш орқали умумсайёравий бошқаришни (айрим сиёсатчилар ва тадқиқотчилар умумсайёравий ҳукумат, давлат тузиш ғоясини илгари сурадилар) шакллантириш инсон ақлу идроки, онги, руҳи мудом истайдиган турфа хилликнинг, плюрализмнинг ҳам унификациялашишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бугун илм аҳли глобаллашув жараёнларини қўллаб-қувватлаган ҳолда маданиятлар хилма-хиллигини, ҳар бир инсонга хос турлича фикрлашни, бетакрор изланишларга мойилликни, плюрализмни асраб қолиш муаммосига дуч келмоқда. Кейинги йилларда хитой стратегемаларига бўлган қизиқиш бу борадаги изланишлардан биридир.

Стратегемаларнинг айрим кўринишларини Қадимги Хитой мутафаккирлари Лао-цзи, Конфуций, Мэн-цзи асарларидаёқ учратамиз. Лао-цзи қарашлари асосида шаклланган дао фалсафаси стратегемли фикрлашнинг ёрқин намунасидир. Унга кўра дао инсон умр бўйи излайдиган йўлдир. Шу нуқтаи назардан у жамиятни эмас – шахсни, жамоавийликни эмас – индивидуалликни, анъанавийликни эмас – бетакрорликни, конформизмни эмас – эгоизмни эъзозлайди. Ўзининг нимага қодирлигини билмаган шахс ҳаёт нима учун берилганини билмаган кишидир. Ўзини билиш мудом эгоизмдан бошланади, аммо у билан якунланмайди. Дао фалсафасидан бехабар киши унинг "Такаббур бўлинг!" даъватини бир томонлама тушунади, ваҳоланки, такаббурлик, эгоизм реал борлиқдаги зиддиятларнинг инъикосидир. "Майли, — дейди Лао-цзи, — қарама-қаршиликлар бирлашсин. Майли, парадокслар учрашсин. Бетакрор бўлинг, чунки ҳаёт бетакрордир. Яшанг, аммо шундай яшангки, гўё сиз ўлгансиз. Кейин, сиз ўлганингизда, шундай ўлингки, сиз бошқа ҳаётга, олий ҳаётга, буюк ҳаётга киргандек бўлинг. Майли, парадокслар учрашсин, қўшилсин ва бирга жо бўлсин". Фақат индивидуаллигини, эгоизмини англаган киши "ўлингки" деган сўз бошқалар ҳаётига, маҳдудотга, кенгроқ оламга қўшилиб, улар билан бир бўлиб яшашга чақирилган даъват эканини туяди. Лао-цзи содда алфозда жамият билан бирга бўлинг дейиши ҳам мумкин эди, лекин у ақлнинг бетакрорлиги, қувлиги, шу тариқа ўзининг бошқачароқ фикрлашга мойиллигидан келиб чиққан.

Манбаларга кўра, Қадимги Хитойда стратегемаларга оид тўрт мингдан зиёд трактат битилган. Бу шунчаки қизиқиш натижаси эмас эди, албатта. Хитой тарихи кўрсатадики, ўлкада ўзаро низолар, урушлар, тож-тахт учун кураш, князликларнинг бир-бирини талаши бир кун ҳам тўхтамаган. "Ҳаёт — курашдир" деган машҳур иборани хитойликлар тарқатган бўлса ажаб эмас. Улар ушбу курашда ҳар доим куч, қурол эмас, балки қувлик, ҳийла, найранг, алдаш — стратегемалар билан ғолиб чиқиш мумкинлигини яхши билганлар.

3»

ДУНЁ СИЁСАТИ

# Қирол саройидан маҳрум этилди



Непал давлатининг собиқ қироли Гьянендра икки ҳафта муддат ичида ҳозирга қадар яшаб келган саройини тарк этиш тўғрисида расмий огоҳлантириш хати олди. Бир ҳафта бурун ҳам мамлакатда биринчи шахс бўлган, бугун эса мамлакатнинг оддий фуқаросига айланган Гьянендра ҳозирда саройини бўшатиб, ўзига қарашли уйлардан бирига кўчишга киришган.

Бундан икки минг йил муқаддам қурилган сарой давлат фойдасига мусодара қилинади ва у ерда музей ташкил этилади. Гьянендра мансуб бўлган Шах сулоласи Непалда 240 йил давомида ҳукмронлик қилди. Жорий йилнинг 28 майида Непал конституциявий ассамблеяси мамлакатда монархия тузумини бекор қилиш ва қиролликни республикага айлантириш хусусида қарор қабул қилди. Гьянендра ва унинг яқинларига Непалда қолишга рухсат этилди. Бироқ, уларнинг давлат бошқарувига аралашиши мумкин эмас.

5»

ХУШХАБАР

# Термиз кўчаларида янги автобуслар

Куни кеча Термиз шаҳрига Самарқандда ишлаб чиқарилган 30 дона ISUZU русумли янги автобуслар олиб келинди. Шаҳар кўркига кўрк бағишлаган янги автобуслар аҳоли учун ўзига хос қувончли воқеа бўлди.

— Шаҳримизда автотранспорт хизмати асосан енгил автомашиналар воситаси ёрдамида амалга ошириларди, — дейди йўловчи Дилбар Холлиева. — Барча қулайликларга эга бўлган янги замонавий автобуслар Сурхон халқига намунали хизмат кўрсатишига ишонаман.

Айни кунларда янги автобуслар учта йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Бу эса мазкур йўналишларда фаолият юритаётган корхоналар ўртасида ўзаро рақобат муҳитини яратиб, хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаши табиий. Бинобарин, хусусий автокорхоналардан фарқли ўлароқ, "Шаҳарйўловчитранс" корхонаси ногиронлар, меҳнат фахрийлари ҳамда талабаларга имтиёзли хизмат кўрсатишни мақсад қилиб олганидан шаҳар аҳолиси мамнун бўлмоқда.

Шаҳар ҳудудининг тобора кенгайиб ва аҳоли сонининг ортиб бориши инобатга олиниб яқин кунларда яна 20 та автобус олиб келиниши режалаштирилмоқда.

**Шерали ҚОДИРОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири.**

# Ҳокимнинг кўланкаси майдонми?

(Бошланиши 2-бетда.)

Ҳар бир хўжалик имкониятига яраша қўшимча буғдой топширади: бири 10 тонна, яна бири 5 тонна. Бироқ, 500 тонна, яъни 71 миллион сўмлик қўшимча топширилган буғдой учун фермерлар ҳали ҳануз ҳақларини ололмай, овора-ю сарсон.

К.Мадраҳимов ҳам Марҳамат тумани ҳокими лавозимига ўтиргач, тезда ўзини унутди, босар-тусарини билмай қолди. Манманлик, ўзбошимчалик, нафсига эрк бериш иллати уни ҳам ўз гирдобига тортди. Мансаб ваколатидан келиб чиқиб, давлат мулкларини талон-торож қила бошлади. Моддий жавобгар шахсларга қонунга зид буйруқ ва топшириқлар берди. Буни тумандаги Й.Охунбобоев номли ширкат хўжалиги тугатилиши билан боғлиқ тафтиш жараёнида ҳам кўриш мумкин. 2005 йилда ушбу ширкат хўжалиги тугатилиб, ўрнига янги фермер хўжаликлари ташкил этила бошланади. Мазкур ширкат хўжалик ҳудудида республикада саноқли бўлган наслли чорва молларини етиштирувчи мажмуа ҳам бор эди. Ширкат хўжалиги тугатилаётган маҳали туман ҳокими чорва мажмуасининг 100 миллион сўмдан ортиқ мол-мулкини талон-торож қилиб юборади.

К.Мадраҳимов яшаб келган "Ҳакка" қишлоғидаги ҳовлининг бир чеккаси болалар боғчасига туташ эди. "Пахтакор" ширкат хўжалиги балансида бўлган ушбу болалар боғчасининг 0,26 гектарли қисмини у ҳеч кимдан рухсат сўрамасдан, ўзбошимчалик билан ўз ҳовлисига қўшиб олади.

К.Мадраҳимов тумандаги "Садоқат рамзи" фермер хўжалиги бошлиғи У.Ҳожиматовни хизмат хонасига чақиртириб, уни тажрибасизликда, шартнома режаларини уддалай олмаётганликда айблайди. Шўрлик фермерни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди ва унга тегишли бўлган 60 гектар ернинг 20 гектарини М.Хўжамбердиевга беришни талаб қилади. У.Ҳожиматов ҳоким тилга олган шахсни танирди. М.Хўжамбердиев бундан бир неча йил аввал Марҳамат тумани ҳокими ўринбосари лавозимида ишлаган, К.Мадраҳимовнинг яқин оғайниси эди. Бироқ, шундай бўлса-да, У.Ҳожиматов ҳокимнинг бу талабини бажаришдан бош тортади.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, ишни муҳокама қилиб, Б.Абдуллаевни Жиноят кодексида кўзда тутилган ўрмон ва бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни йўқ қилиш (198-модда), мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда), пора олиш (210-модда), К.Мадраҳимовни эса ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-модда), ҳокимият ва мансаб ваколатидан четга чиқиш (206-модда) жиноятларини содир этганликда айбдор деб топди. Б.Абдуллаев 11 йилга, К.Мадраҳимов эса 7 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Тўғри, ҳокимлик кишига катта масъулият юклайди. Туманни бир оилага қиёс қиладиган бўлсак, ҳоким шу оиланинг бошлиғи — етакчисидир. Турли тоифадаги одамлар билан суҳбатлашиб, уларнинг кўнглига йўл топиш, ечимини кутаётган ўнлаб муаммоларни бартараф этиш осон эмас. Аммо раҳбар одам ўзига ишониб топширилган лавозимни ва унга билдирилган ишончни доимо юракдан ҳис қилиб турса, ҳеч қандай қонун бузилишига йўл қўйилмайди. Аксинча, қонунни менсимаслик, манманлик, таъмагирлик, ўзбошимчалик каби салбий хислатлар охир-оқибат раҳбарни ҳалокатга етаклайди.

**Шуҳрат ЖУМАЕВ**

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

# ЖОРЖ САНД — ЖУРНАЛИСТ

*Машҳур француз адибаси Жорж Санд адабиётга журналистика орқали кириб келди. "Консуэло" асари муаллифи бўлган адиба ижодининг ана шу қирралари ҳақида унинг биографи Жорж Санд қаламига мансуб мактублар ва публицистик мақолаларга суянган ҳолда ҳикоя қилади. ("Ви увриер" газетасидан олинди, Париж.)*

Жорж Санд — журналист... Ҳозирги замон китобхонлари тасаввурида шаклланиб улгурган адиба тимсолига чизилган анчайин ғайритабиий чизги.

Албатта, унинг романлари алоҳида китобга айлангунга қадар турли газеталар ва журналларнинг қуйи қисмида босилгани, худди шу нашрлар билан қилинган ҳамкорлик беллетристикага (ўқилиши осон, енгил-елпи асар) асосланмаганлиги кўпчиликка қоронғу бўлиб келмоқда.

Адиба 1831 йил йигирма олти ёшида Парижга келади. У бир неча ой ичида қалам билан ҳам кун кечириш мумкинлигини исботлайди. Санд "Ревю де Пари" ҳамда бошқа салмоқли журналлар билан жадал ҳамкорлик қила бошлайди. Аммо бу нашрлар эшиги унинг қаршисида кейинроқ очилади. "Ахир нима қилиб бўлса ҳам кун кечириш керак-ку, — деб ёзади у 1831 йилнинг 15 мартида. — Ҳа мен "Фигаро" учун мақолалар ёзаяпман".

Газетада босилган бир устун учун Жорж Сандга етти франк тўлашарди. Аввалига иш унча силлиқ кетмайди. Газета ("Фигаро") ношири Анри де Латуш Санд топширган ўнлаб хабарлардан кўпинча биттасинигина олиб қолар, қолганларини каминга ирғитарди. "Бунинг устига, – деб ёзади Жорж Санд ўша 15 мартдаги мактубида, — журналистларда мен Парижга келгунимга қадар тасаввур қилган эркинлик йўқ экан. Де Латуш биздан кўзини узмайди, мақола ёзилган қоғозни бурда-бурда қилиб йиртади, қийқимлаб ташлайди, ғалати қилиқлари, турли хархашаларини кўтаришга, ўзининг янглиш фикрига кўнишга мажбур қилади. Биз ҳам у истагандай ёзамиз, чунки бу жой унга тегишли, биз эса унинг қўлидаги қўғирчоқлармиз, журналистикадаги қора ишчилармиз..."

Йиллар ўтади. Санднинг нафақат маҳорати ошади, балки маънавий камолоти юксалиб, тобора ўз ўрнини — адибалик, журналистлик, жамоат арбобилик масъулиятини равшанроқ ҳис этади.

1843 йилнинг кузида рўй берган бир можаро Сандга "Ревю индепандант" журнали (1841 йилда Санд томонидан асос солинган журнал. Бу даврга келиб, у Пьер Леру тахаллуси остида ёзувчи ва файласуфга айланган эди) саҳифаларида кимсасиз, ғариб-нотавон кишиларни ҳимоя қилиш компаниясини бошлаб юборишига туртки бўлади.

Бу воқеа мана бундай рўй берган эди. Етимхонадан (Эндр департаменти) ўн беш ёшли Фаншетта исмли соқов қиз йўқолади. Кейин аниқланишича, ювошгина, лекин дарди бедаво қизга бошқа қарагиси келмаган етимхона роҳибалари бир дилижон кондукторига пича чойчақа бериб, соқов қизни шаҳар ташқарисига олиб ташлашни тайинлайдилар. Кондуктор ҳам уларнинг айтганларини қилиб, қизни қоқ ярим тунда Обюссондан (Крёз департаманти) икки лье (узунлик ўлчов бирлиги, 4,5 километрга тенг) наридаги ўрмонга ташлаб кетади. Орадан бир ой ўтгач, қизни Риоме шаҳрида (Канталь департаменти) сайёр циркчилар труппаси орасидан топиб оладилар ва ортиқча шов-шув кўтармасдан яна етимхонага элтиб қўядилар.

Бу ишни шу билан тинчитмоқчи, айбдорларни эса жазосиз қолдирмоқчи бўладилар. Шунда ўртага Жорж Санд тушади. Фаншеттанинг "йўқолиб қолиши" тафсилотлари баён этилган Жорж Санд мақоласидан жамоатчилик қалқиб кетади. Адиба бу жиноятни яширган ҳукумат идораларини айблайди, айбдорларга кўрсатилган бундай "марҳамат" қизнинг келгуси ҳаётига кафолат бермайди, дейди. Айниқса, бу ишда Сандни ғазаблантиргани "Айтарли ҳеч нима бўлгани йўқ, Фаншетта шунчаки тўсатдан сирли равишда ғойиб бўлди", дея қироллик прокурорининг таъкидлаши бўлади.

Орадан бир ой ўтгач, Санднинг яна бир публицистик чиқиши бутун Францияни оёққа турғизади. "Эклерёр де л'Эндр" газетаси адибанинг шарҳи остида парижлик бир новвой мактубини эълон қилади. Бу ишчининг дарду аламга тўла қайғу дафтари эди.



*"Биз ҳам у истагандай ёзамиз, чунки бу жой унга тегишли, биз эса унинг қўлидаги қўғирчоқлармиз, журналистикадаги қора ишчилармиз..."*

Новвой мактубида бир йил мобайнида атиги уч ҳафтаю икки кун ишлаганини, Парижда унга ўхшаш икки мингдан ортиқ новвойлар ишсиз юрганини ёзади. Мактубда кишиларни ишга жойлаштириш бюроси ошкора айбланади. Муаллиф бюрога ўтириб олган мансабдорлар, ишга жойлаштириб қўйишни рўкач қилиб, одамлар иш ҳақларининг анчагинасини тортиб олишларини ва кимда-ким кам тўласа, ўша кишига ёрдам беришдан сурбетларча бош тортишини маълум қилади. Мактубда новвойларнинг кунига 16-18 соатлаб чироқсиз, шифт ва деворларидан қўланса ҳид анқиган, чирк боғлаган захх ертўлада машаққатли меҳнат қилиши, бу ер нақ "инсон кушхонаси" эканлиги айтилади. Нонвойлар тер тўкиб ишлаётган ушбу жаҳаннамга тушишга ҳазар қилган, тайёр маҳсулотга юқорида, бежирим пештахталарига мазали нон-булкалар тизилган кўркам дўконларда туриб баҳо беришни афзал кўрган назоратчи ходимлар айбланади.

Жорж Санд ушбу мактубга берган шарҳида парижликлар ҳар оқшом мана шу "тандир-қабр"дан чиқаётган, хамир қораётган новвойлар нолаларини эшитиши ҳақидаги ҳикояни келтиради. "Бу қандай бедодлик, дунёда энг муқаддас саналмиш, оппоқ, пок ундан ҳосил бўлган нон, ҳолдан тойган, оч-наҳор, совуқдан касал бўлган кишилар азоб-машаққатларидан бунёд бўлса?!", — дея хитоб қилади Жорж Санд. Санд новвой мактубида нафақат шикоятни, балки яқинлашиб келаётган бўрон нафасини ҳам туяди.

Инқилоб санаси бўлган 1848 йилда "Консуэло" муаллифининг сиёсий фаоллиги авж нуқтасига кўтарилади. Инқилобнинг февраль даврида (бу пайтга келиб, июль монархияси ағдарилган ва иккинчи республика ўрнатилиши учун замин ҳозирланаётган эди) Санд шунчалик кўп ёзадики, ҳатто жанрларни ажратиб бўлмай қолади. Унинг матбуотдаги бу чиқишларида газетага хос ахборот тезкорлиги ҳам, ҳақиқий публицистика полемизми (баҳс-мунозараси) ҳам, ўткир памфлет ҳам, сиёсий эссега хос ташвиқот ҳам уйғунлашиб кетганди.

Санднинг "Бюллетэн дю министер де л'энтёрьер"да (у бу расмий ахборотномани муваққат ҳукумат ички ишлар вазири Ледрю-Роллённинг топшириғига кўра чиқарарди) чоп этилган мақолалари асл сиёсий поэма каби янграйди. Жорж Санд апрелда ўз ҳисобидан Февраль инқилоби қаҳрамонлари шарафига "Коз дю пёпль" гимн-мадҳиясини чоп этади. Ушбу мадҳияда эзгулик, дўстлик-биродарлик туйғулари тараннум этилади.

Санд кескин, мунозарали "Халққа мактуб"ни чоп этади. Бироқ 30 апрелга келиб, олдиндан кўнгилсизликни ҳис қилгандай, қуйидаги қайғули сатрларни битади: "Мен юксак орзуларим рўёбга чиқишини кўра олмайман... Халқим ва мен, биз руҳан бирга яшаганимиз сингари энди жисман бирга ҳалок бўлгаймиз..."

Июнь қўзғолони қонли равишда бостирилади. Жорж Санд тирик қолади, бироқ унинг вужудидаги муҳим бир нарса ўлади. Ортиқ унинг овози халқ овози билан бирлашмай қўяди. Жорж Санд 1848 йилдан сўнг публицистика майдонида кўринмайди, ижоди эса бутунлай бошқа ўзанга, соф романтизм йўналишига ўтиб кетади.

**Маъсума АҲМЕДОВА**
**тайёрлади.**

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАСКАНЛАРИДА

# Эртанинг ёруғ умидлари

## Зарафшон тиббиёт коллежида ўқиш кўплаб ёшлар учун фахрга айланган

Бугун юртимизда ёш авлоднинг касб-ҳунарли ва юксак билимга эга бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу жараёнда эса касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг муносиб ўрни бор. Навоий вилоятида бугунги кунда 36 та коллеж ҳамда 4 та академик лицейлар фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, Зарафшон тиббиёт коллежи ҳам бир неча йиллардан буён ёшларга етарлича билим ва кўникмалар беришда ҳамда уларга касб-ҳунар сирларини ўргатишда муносиб ўринга эгадир.

Коллежимиз 1993 йилда Навоий тиббиёт билим юрти Зарафшон филиали сифатида ташкил этилган бўлиб, 2004 йилда Зарафшон тиббиёт коллежи мақомига эга бўлди. Коллежда ҳозирги кунда 1336 нафар талаба таҳсил олаяпти. Ҳамширалик иши, даволаш иши, ортопедик-стоматология йўналишлари бўйича сабоқ олаётган талабаларимиз нафақат туманда, балки вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган тадбирларда ҳам фаол иштирок этишяпти.

Энг муҳими, яқин йиллар ичида улар элимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қиладиган мутахассислар бўлиб етишадилар.

Талабаларнинг касбга бўлган муносабатини яхшилаш, касбга меҳр уйғотиш, инсонларга ҳамиша кўмак бериш ҳиссини ривожлантириш ва муомала маданиятини ўстириш мақсадида турли учрашувлар, кечалар, мушоиралар ҳамда кўрик-танлов тарзида бир қатор тадбирлар ўтказилиши анъана тусини олган. Илм масканимизда ўқув жараёнини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари талаби даражасида ташкил этиш, таълим тизимини такомиллаштириш ва сифатини оширишга, илғор шакл ва услубларни татбиқ этишга, дарс беришнинг услубий савиясини кўтаришга, ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида тарбиявий ишларни мукаммаллаштиришга, амалий ва назарий дарсларни бир-бирига боғлаб олиб боришга алоҳида эътибор қаратилиб келинаётир.

Йил бошидан "Ёш ўқитувчилар мактаби" режаси тузилиб, шу режа асосида ишлар олиб борилмоқда. Ёш ўқитувчиларга журналларни юритиш бўйича семинарлар, конспектлар, маъруза матнлари тайёрлаш ҳамда ўқитишнинг фаол усуллари мавзусида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, ҳар бир ёш ўқитувчи билан якка ҳолда машғулотлар ўтказилиб, уларга керакли услубий тавсиялар бериб борилади. Эътироф этиш керак, 2006-2007 ўқув йилида физика ва астрономия фани ўқитувчиси Роҳила Шукурова-



нинг иши оммалаштирилди. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказиши учун 26 та тўгарак фаолият кўрсатиб турибди. Айни кунда мазкур тўгаракларга 500 дан ортиқ талабалар жалб этилган. "Ҳамшира", "Болалар", "Ёш терапевтлар" ва бошқа бир қатор тўгараклар шулар жумласидан. Хоналарда тўгарак бурчаклари, маънавият бурчаклари ташкил этилганлиги ёшларнинг бу йўналишлар борасида кенгроқ тушунчаларга эга бўлишларига замин яратаётир.

Ҳозирги кунда компьютер тизими ўқув жараёнида қўлланилиши кенг йўлга қўйилган. Коллежимизда етмишдан ортиқ электрон дарсликлар мавжуд бўлиб, улар ўқув жараёнида қўлланилмоқда. Шу билан бирга, Жаҳон банки гранти асосида 21 та кодоскоп олинганлиги дарс жараёнида энг иқтидорли талабалар билимини юксалтиришда катта самара бермоқда. Анатомия фанидан эса кинопроекторлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу ёшларимизнинг замон талабига мос равишда билим эгаллашига замин яратаётир.

Коллежимизда маънавий-маърифий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришга имкон яратаётир. Ҳар ҳафтада маънавият соатлари, гуруҳ йиғилишлари ўтказилиб турилади. "Ёшлар йили" Давлат дастури асосида коллежимизда дастур ишлаб чиқилиб, бир қатор тадбирлар амалга оширилиб борилмоқда. Илм муассасамиз маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Юлдуз Ярашеванинг алоҳида ҳиссаси борлигини айтиб ўтиш мумкин.

Коллеж ва ота-оналар ҳамкорлиги таълим-тарбия ривожига кўмак беради. Шу мақсадда Ота-оналар кенгаши ташкил қилинган. Кенгаш йилига уч марта йиғилиш ўтказиб, умумий масалаларни келишиб олади.

Коллежимизнинг истеъдодли талабалари Гулноза Шаропова ва Наргиза Шайаҳмедова Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг вилоят босқичида иштирок этишди. Тадбирларда фаоллик кўрсатган Гулноза танловнинг республика босқичида иштирок этишга мушарраф бўлди. Таълим масканимизда бу каби иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Феруза Қурбонова, Сабоҳат Қамбарова, Зарина Муродова, Гўзал Иноятова ва бошқа талабаларнинг ташкилотчилиги ва фаоллиги тенгдошларига ўрнак.

Таълим масканининг ахборот-ресурс маркази 29 778 дона китоб фондига эга бўлиб, у замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. АРМдан нафақат талабалар, балки ўқитувчилар, коллеж атрофидаги аҳоли фойдаланиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилган.

Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан талабалар ўртасида "Соғлом авлод посбонлари" мавзусида танлов ўтказилди. Бундан ташқари, коллежимизда "Энг фаол етакчи", "Энг ёш иқтидорли истеъмолчи — 2008", "Интеллектуал ринг" сингари бир қатор танлов ва мусобақалар ҳам ўтказиб келинмоқдаки, булар ёшларнинг тафаккурини янада оширишга замин бўлмоқда.

Коллежда ташкил этилган "Иқтидорли талабалар билан ишлаш маркази" ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида талабалар турли фан ва спорт тўгаракларида, олимпиадаларда, мусобақаларда, кўрик-танловларда қатнашиб муносиб ўринларни эгаллаб қайтишаётир. Масалан, яқинда Тошкент шаҳрида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ўтказилган "Ўйла, изла, топ!" ёки "7х7" телемусобақасининг финал босқичида коллежимиз жамоаси иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллаб қайтди. Бу нафақат биз учун, балки Навоий вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси учун катта ютуқ бўлди.

Таълим муассасамизда спорт ишлари ҳам самарали йўлга қўйилган. Ёшларимизни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини яратишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида спорт майдонимиз талабаларимизга хизмат қилмоқда. Ўқувчиларимиз шаҳар ва бошқа илм масканларида ўтказиладиган спорт мусобақаларида фаол иштирок этаётир.

Шу ўринда бир воқеани алоҳида эътироф этиш керакки, юртимиз истиқлоли коллежимиз тарихида янги зарварақлар очилишига замин яратди. 540 ўринли янги ўқув биноси замонавий ва жаҳон стандартларига мос тарзда қуриб фойдаланишга топширилди. Мазкур янги бинонинг барча хоналари ҳозирги замон талаблари даражасида жиҳозланди. Барча қулайликларга эга хоналарда таҳсил олаётган ёшларимиз келажакда етарлича билим олиш билан бирга касб-ҳунар сирларини ҳам пухта эгаллаб, жамиятимиз учун хизмат қиладиган муносиб кадрлар бўлиб етишадилар.

Бугунги кунда бир нарсани ишонч билан айта оламизки, билим даргоҳимизда таҳсил олган минглаб мутахассислар нафақат вилоятимизда, балки, республикамизнинг турли тиббий муассасаларида эл-юрт саломатлиги йўлида меҳнат қилишмоқда. Қолаверса, улар ўз оиласи, яқинлари, қўшниларию ҳамқишлоқларининг ҳам яқин маслаҳатчиси, "оилавий шифокор"ларига айланишади.

Зеро, бугунги талаба — эртанги куннинг саломатлик посбонидир.

**Исон МАҲАММАДОВ,**
**Зарафшон тиббиёт коллежи директори.** ®



***СУРАТЛАРДА:** коллеж ҳаётидан лавҳалар*

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

**МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА**

## Тараққиёт нарвони

**Давлат-тижорат Халқ банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиалларида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, тадбиркор аёлларга имтиёзли кредитлар ажратилишига алоҳида эътибор қаратилмокда**

Мана, жорий йилнинг олтинчи ойига ҳам қадам қўйдик. Умримизнинг ҳар бир ўтаётган даврига тўхталиб, ортда қолган вақтга нигоҳ ташлаш, эришилган ютуқ ва камчиликларини сарҳисоб қилиш бугуннинг яхши бир анъанасига айланган. Ана шу жиҳатдан олганда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ банки филиалларининг жорий йилдаги фаолиятига зимдан назар солинса, унинг аҳоли фаровонлигини ошириш учун иқтисодиётнинг муносиб бир нарвонига айланаётганини илғаш қийин эмас. Энг аввало, мижозларга янада яқин бўлиш, уларга янаям қулай шароитлар яратиш мақсадида банкнинг барча филиаллари штат жадвалига маслаҳатчи-менежер лавозими киритилиб, ҳозирда малакали мутахассислар билан тўлиқ бутланди. Банк филиалларида 25 дан ортиқ омонат турларини жорий этилиши банк депозитларига аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилишнинг ортиб боришини таъминламоқда. Эътибор беринг-а, жорий йилнинг 1 майига қадар банк томонидан хизмат кўрсатилувчи мижозлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 316 тага кўпайган. Бу мижозлар, асосан якка тартибдаги тадбиркор аёллар, қишлоқ хўжалик корхоналари ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлаётган хўжалик юритувчи субъектлардир.

Нишонгул Ўролбоева — Хўжайли туманидаги тадбиркор аёллардан бири. У қисқа муддат ичида кўп тармоқли хусусий корхонасини оёққа қўйди. Бунга энг аввало ташкилотнинг бақувватлилиги қўл келган бўлса, ишни тўғри йўлга қўйгани, хусусан, давлат-тижорат Халқ банки Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли филиали билан алоқани самарали амалга оширолгани ҳам ёрдам берди.

— Аввало, катта, аниқ мақсадлар билан иш бошлаш, уни рўёбга чиқаришга бўлган ишонч руҳининг устуворлиги жуда зарур, — дейди тадбиркор биз билан суҳбатда. — Тўғри, ҳар бир тадбиркор кўпроқ фойда олиш ўйхаёли билан ишга киришади. Бироқ ота-боболаримиздан қолган нақл бор: "Ҳаракатга яраша — баракат".

Шундай бўлди ҳам. Нишонгул раҳбарлик қилаётган "Муҳаммад Нурсултон" кўп тармоқли хусусий корхонаси 2 йил ичида ўзининг айланма маблағини 4-5 баробарга кўпайтириб олди.

— Тадбиркор илк қадамларини қўяр экан, ҳамкор танлашда адашмаслиги лозим, — дея сўзини давом эттирди у. — Мана, мен 2003 йилдан буён Халқ банки Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли филиали хизматидан фойдаланаман. Бу ердагилар мен ва менга ўхшаган тадбиркорларнинг кўпчилигига мисоли қанот бўлаяпти, десам адашмайман. Яқин кунларда яна банкдан кредит олишни режалаштираяпман. Демак, эртага мен кўп вақтдан буён ўйлаб юрган янги режаларимни рўёбга чиқаришим мумкин бўлади. Фаолиятимни янада кенгайтириш имконига эга бўламан.

Нишонгул Ўролбоевага ўхшаган кўплаб тадбиркор аёллар Халқ банкидан турли йўналишлар учун манфаатли кредитлар олиб, хайрли ишларни рўёбга чиқаришмоқда.

— Бугун фаолият юритаётган 16 та филиалларимизда, — дейди Халқ банки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиали бошлиғи Зевар СУЛТОНОВА, – Жами кредит қўйилмалари миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 3 баробарга ортди. Ажратилган кредитларнинг 70 фоизи асосан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлардан иборат бўлиб, улар асосан ёш оилаларнинг турмуш даражаларини яхшилашга қаратилган. Шунингдек, ёш оилаларга касаначилик, ҳунармандчиликни ривожлантириш, аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлаш мақсадида Халқ банки филиаллари томонидан 60 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланди. Шу билан бир қаторда аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатувчи кичик бизнес субъектларини кредитлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Ҳозир банк филиалларида аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш чоралари изланмоқда, шунингдек, омонатлар сақланиши, банк сири, мижозларнинг биринчи талабидаёқ уларнинг ҳисобварақларидан маблағлар ҳеч қандай тўсиқсиз берилишини ўз вақтида таъминланмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг бари энг эзгу, энг ойдин мақсад-муддаоларга йўналтирилган. У ҳам бўлса, тадбиркор ва ишбилармонларнинг сафи ўссин, уларнинг фаолиятлари кенгайиб, "қўллари узун" бўлсин ва оқибатда халқ фаровонлиги ортсин. Қорақалпоғистонлик Халқ банки ходимларининг ана шундай эзгу ишларга эш бўлишаётгани янада ёруғ натижаларнинг рўёбга чиқишидан далолатдир.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири.** ®

### МАФИЯ САРДОРИГА МЕҲРИБОНЧИЛИК

Япон мафиясининг етакчиси Тадамаса Гото 2001 йили Калифорниядаги тиббиёт марказида даволанган ва унга янги буйрак кўчириб ўтказилган. Ҳолбуки, жиноий ўтмиши сабабли унга АҚШ ҳудудига кириш тақиқланган эди. Los Angeles Times газетасининг ёзишича, Федерал қидирув бюроси мафия сардори улар билан ҳамкорлик қилиши ва гуруҳнинг бошқа аъзолари хусусида маълумот беришига умид қилиб мазкур тақиқдан вақтинча кўз юмган.

Жиноят оламида шафқатсизлиги билан донг таратган Готони дунёдаги энг машҳур жарроҳлардан бири Рональд Бузуттил даволаган. Таниқли шифокор ва унинг ҳамкасблари 65 ёшли Готонинг жиноий ўтмишидан хабардор бўлганми, йўқми – аниқ эмас. Лекин шуниси маълумки, операциядан кейин япониялик жиноий етакчи тиббиёт марказига 100 минг доллар пул ўтказган.

Ушбу ҳодиса тафсилотларини ўрганишга уринган америкалик журналист Рик Аделстайн жиноий гуруҳ томонидан таъқибга учраган. Хабарларга қараганда, Аделстайн айни пайтда АҚШ ҳуқуқ идоралари томонидан муҳофазага олинган.

### DEUTSCHE TELEKOMДА МАХФИЙ ТИНГЛАШ?..

Германиядаги йирик коммуникация компанияларидан бири Deutsche Telekom раҳбарияти менежерларнинг телефон орқали мулоқотларини махфий равишда тинглаган. Мамлакат прокуратураси мазкур ҳолат бўйича тергов олиб бормоқда. Компания раҳбарияти телефон қўнғироқларини кузатиб бориш учун хусусий фирма ёллаганини тан олган ҳолда, бу жараёнда фақатгина сўзлашувлар вақти ва рақамлар рўйхатга олинганини қайд этган.

Ушбу иш бўйича Deutsche Telekom собиқ раҳбарлари Кай-Уве Рикке ва Клаус Цумвинкель гумондор деб топилган. Компаниянинг амалдаги бош директори Рене Оберманн ҳам сўзлашувларни махфий тинглаш операциясидан хабардор бўлган. Р. Оберманн гарчи ушбу ҳолатдан воқиф бўлса-да, компания нуфузини ўйлаб буни ошкор этмаганини айтган.

Deutsche Telekom дунё бўйича 90 миллиондан ошиқ мижозга хизмат кўрсатади. 2006 йили компаниянинг соф фойдаси 4,25 миллиард долларни ташкил этди.



### "УСАМА"НИ ЎЛДИРИШДИ

Ҳиндистоннинг Жарханд шаҳрида 11 киши ҳаётига зомин бўлган ва ўнлаб кишиларни жароҳатлаган ёввойи фил ўлдирилди. Охирги ойларда йирик махлуқ учраган одамга ҳужум қилиб, аҳолига даҳшат солиб келаётган эди. Шу боис ҳам филга "Усама бин Лодин" лақаби берилганди.

Қотил филни маҳв этиш операцияси маҳаллий полиция ҳамда ўрмончилар иштирокида амалга оширилди. Уни ўлдириш учун 20 дона ўқ керак бўлди. Йирик махлуқнинг жасадини кўриш учун бир неча юз чоғли одам йиғилди.

Шунга ўхшаш воқеа бундан бир неча кун олдин ҳам рўй берганди. Ҳиндистон шимолидаги Будахеда қишлоғидан чиққан йиртқич фил ҳам етти кишининг ўлимига сабаб бўлди. Будахедалик филнинг жони "Усама"никидан ҳам қаттиқроқ бўлиб, уни юзга яқин ўқ билан базўр қулатишган.



### "АЛЛО, БОШ ВАЗИР СИЗНИ БЕЗОВТА ҚИЛЯПТИ!"

Буюк Британия бош вазири Гордон Браун унга мактуб ёки шикоят ёзган фуқароларга шахсан ўзи қўнғироқ қилиб, улар билан суҳбатлашади. Бу ҳақда The Guardian газетаси хабар беради.

Ҳукуматга яқин бўлган ахборот манбасининг маълум қилишича, инглиз бош вазири ўтган ҳафта давомида 25 дан ошиқ фуқаро билан суҳбатлашган.

Гордон Браун кам ухлаши ва ишни жуда эрта бошлаши маълум. Хабарларга қараганда, у тонг саҳар эканини ҳам унутиб, фуқаролардан бирига соат олтида қўнғироқ қилган. Яхшики, шикоят муаллифи шу куни эрта уйғонган экан.

The Telegraph газетаси охирги ойларда Гордон Браун раҳбарлигидаги лейбористлар партиясининг нуфузи тобора тушиб бораётганини ёзади. Тадқиқотлар айни пайтда аҳолининг бор-йўғи 23 фоизи амалдаги ҳукмрон партияни қўллаб-қувватлашини кўрсатди. Кузатувчилар партия нуфузининг бу қадар қуйига шўнғишида бош вазирнинг ҳам тузуккина улуши борлигини таъкидламоқдалар.

Таҳлилчилар наздида Г. Брауннинг оддий фуқаролар билан телефон орқали мулоқоти сўнаётган обрўни сақлаб қолиш йўлидаги уриниш бўлиши мумкин.



### ЕВРОПАЛИКЛАР АМЕРИКА ПРЕЗИДЕНТЛИГИДА КИМНИ КЎРМОҚЧИ?

Европанинг бешта давлатида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, кўҳна қитъа Американинг навбатдаги раҳбари Барак Обама бўлишини афзал билади.

Барак Обаманинг ихлосмандлари Италияда энг кўп экани аниқланди: сўралганларнинг 70 фоизи уни қўллаб-қувватлаган. Францияда 65 фоиз, Германияда эса 67 фоиз респондент Обама номзодини маъқул деб топган.

Франция, Италия, Германия, Буюк Британия ва Россиянинг 15 фоиз аҳолиси АҚШ президенти лавозимида Жон Маккейнни кўришни афзал билган.

Мазкур сўров дунё давлатларида Америкага қарши кайфият ҳали ҳам сақланиб қолаётганини кўрсатди. Масалан, Россияда ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг 56 фоизи АҚШ сиёсатини салбий баҳолаган. Италияликлар эса Америка сиёсатини кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватлаганлар.

### ЭРТАНГИ КУН «ЖАНГ ВОСИТАСИ» НАМОЙИШИ

Берлинда ўтаётган ILA-2008 кўргазмаси пайтида ҳимояланган жанговар машиналарнинг янги авлоди намойиш этилди. Krauss-Maffei Wegmann компанияси томонидан тақдим этилган лойиҳа



бўйича янги машина GP-F2T, деб аталади. Янги техника Афғонистонда яхши жанговар натижаларни қайд этаётган Fennek машинасининг такомиллашган кўриниши.

GP-F2T техник жиҳатдан кучайтирилган. Муҳим жиҳати, машина иккита двигатель билан таъминланган бўлиб, бу жанговар операцияларда жуда ҳам қўл келади.

Машинанинг марказий қисмида экипаж учун махсус қисм ажратилган. Мазкур қисм турли портлаш воситалари, ядро, биологик ва кимёвий қуроллардан юқори даражада ҳимояланган. GP-F2T экипажи 3-6 кишидан иборат бўлиши мумкин.

Мазкур машинанинг якуний модели келгуси ой Париж шаҳрида ўтадиган Eurosatory кўргазмасига қўйилиши кутилмоқда.

### ЛОТИН АМЕРИКАСИДАГИ ЭНГ БОЙ РАССОМ

Мексикалик мусаввир Руфино Тамайонинг "Трубадур" деб номланган сурати Нью-Йоркдаги Christie's аукционида 7,2 миллион долларга сотилди. Мазкур баҳо Лотин Америкаси рассомлари фаолиятидаги энг юқори кўрсаткичдир. Кимошдидан аввал полотно 2 миллиондан ошиққа кетмаслиги тахмин қилинганди.

Ҳозирга қадар Колумб кашф этган қитъадаги энг қимматбаҳо сурат Фрида Калога тегишли, деб ҳисоблаб келинганди. Мусаввирнинг "Илдизлар" сурати 2006 йили 5,6 миллион долларга пулланганди.

Тамайо (1899-1991)нинг "Трубадур" сурати XX асрда чизилган. Сурат ҳозирга қадар Виржиния штатидаги хусусий таълим муассасаларидан бирига тегишли эди. Полотно кимошдига қўйилган пайтда мазкур таълим муассасасининг бир неча ўқитувчилари ушбу савдога қарши чиқишди. Лекин норозиликларга ҳам қарамай рекорд деб баҳоланаётган кимошди савдо амалга оширилди.

**ТАФСИЛОТ**

## Цивилизациянинг "иккинчи қутби"да

**Сайёрамиз миқёсида ҳозирга қадар ибтидоий жамоа тузумидагидек яшаётган 100 га яқин қабила борлиги аниқланган**

Улар автомобилни етти ухлаб тушларида кўришмаган. Электр нима эканини билишмайди. Дунёда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деган номдор идора борлигидан ҳам мутлақо бехабар. Хат-савод масаласида-ку сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Улар тирикчилик учун озуқани ов ва балиқчилик ортидан топишади. Шамоллаш ёки грипп вируси каби замонавий инсонлар учун арзимас касаллик бўлиб туюлган омиллар ҳам уларга ўлим келтириши мумкин. Ёввойи қабилаларни бирлаштириб турувчи умумий хусусият шуки, улар аждодлари ҳаёт тарзига содиқ ва замонавий дунё билан мулоқотга киришишдан ўтдан қўрққандек ҳайиқишади.

Бундай қабилалар антрополог олимлар учун ғоят қимматли топилма ва тадқиқот манбаи саналади. Улар билан учрашувлар баъзида мутлақо тасодиф туфайли, яна айрим пайтларда эса махсус тайёргарлик ва узоқ йиллик қидирувлардан кейин рўй беради. Масалан, ўтган ҳафта Бразилия-Перу давлатлари чегарасида – Амазонка чангалзорларида яна бир ибтидоий қабила борлиги аниқланди. Аслида бу ҳудуддан илгари ҳам замонавий цивилизацияни ўзига ғаним деб билган қабилалар топилган эди.

Тахминий ҳисобларга кўра, бутун Ер юзаси бўйича юзга яқин ёввойи қабила мавжуд. Улар Жанубий Америка, Африка, Австралия ва Осиё минтақаларида яшашади. Мазкур қабилаларнинг аксарияти улар учун ташқи дунё бўлган маконда ривожланган жамиятлар борлигини билганидан кейин ҳам ўз яшаш тарзида қолишни афзал билади. Яна айримлари эса замонавий цивилизация ютуқларини ўзлаштириб, ибтидоийлик тамғасидан воз кечишга қарор қилади (Лекин бу тариқа ҳаёт йўлини ўзгартирган қабилалар бармоқ билан санарли).

Турли хил касалликлар "ёввойи одамлар" сони камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, ўзини ривожланган жамият вакили деб билган инсонлар томонидан ўрмонларга қарши шафқатсиз уруш очилгани, янги ҳудудларнинг ўзлаштирилаётгани ёввойи қабилаларни яшаш учун бошқа ерларга кўчишга мажбур қилмоқда.

Олимлар ҳозирга қадар айрим қабилаларнинг яшаш тарзи, тили, дунёқараши ва эътиқодини ўрганганлар. Бироқ аниқланган маълумотлар ёввойиларнинг сир-синоатларга тўла ҳаёти хусусида узуқ-юлуқ тасаввур беради, холос.

**Пирахалар.** Бразилия жангалзорларида, Мэйки дарёси водийсида пираха деб номланган қабила истиқомат қилади. Умумий миқдори икки юз чоғли бўлган қабила овчилик билан кун кечиради. Олимларнинг кузатишларига кўра, пираха тилида ранг маъносини англатувчи сўзлар йўқ. Тилнинг луғат бойлиги ва грамматик воситалари ҳам анчайин ғариб. Масалан, пираха тилида "кўпроқ", "барча", "ҳар бир", "бир қанча" каби сўзлар мавжуд эмас. Саноқни англатувчи рақамлар ҳам чегараланган — пирахалар учдан ошиқ нарсани санашга қодир эмас. Уларга ўз тажрибалари орқали синаган воқеликдан ташқари ҳодисалар ҳақида тафаккур қилиш ман этилган. Шу боис, бразилиялик ёввойи одамлар оғзаки ижодида дунёнинг яралиши тўғрисида ҳам ривоятлар йўқ.

> *"Турли хил касалликлар "ёввойи одамлар" сони камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, ўзини ривожланган жамият вакили деб билган инсонлар томонидан ўрмонларга қарши шафқатсиз уруш очилгани, янги ҳудудларнинг ўзлаштирилаётгани ёввойи қабилаларни яшаш учун бошқа ерларга кўчишга мажбур қилмоқда."*



**Синта ларга.** Бразилия ҳудудида яшайдиган синта ларгалар миқдори қачонлардир беш мингдан ошган, ҳозир эса улар сони аранг бир ярим минг чиқади. Қабила учун энг кичик ижтимоий бирлик оила саналади: эркак — оила бошлиғи, унинг бир неча хотини ва болалари. Синта ларгалар гарчи кўчманчи бўлишса-да, вақтинча яшаш учун уй қуришга ҳам қунт қилишади.

Ҳар бир синта ларга бир неча исмга эга бўлади. Лекин асл исм кўпчиликдан сир сақланади. Бундан ташқари, турли ҳодисалар муносабати билан унга бошқа исм-лақаблар берилиши мумкин. Қабилада ота ҳукмронлиги — патриархал тартиб амал қилади. 2000 йилдан кейин синта ларгалар яшаётган ҳудудда йирик олмос кони борлиги аниқланди. Бу ҳодиса қабиланинг осойишта ҳаётини издан чиқарди. Олмос ўзлаштириш учун келган кончилар ва уларнинг мақсадини тушунолмаган ёввойи қабила ўртасида зиддиятларда ҳар икки томон қурбон берди. Бироқ барибир нотенг курашда энг кўп азиятни ибтидоий одамлар кўрди. Айни пайтда Бразилия ҳукумати синта ларгаларга дахл қилмасдан, муроса йўли билан олмос конларини ўзлаштириш йўлларини қидирмоқда.

**Никобар ва Андаман ороллари қабилалари.** Ушбу ороллар Ҳиндистоннинг соҳилбўйи ҳудудидан 1400 километр масофада жойлашган. Ташқи муҳитдан узилган узоқ оролларда буюк андаман, онге, жарава, шомпенс, сентинел ва негрито каби олти номдаги қабила истиқомат қилади. 2004 йили даҳшатли денгиз тўфони даврида мазкур қабилалар қирилиб кетиши хавотир билан кутилганди. Лекин антрополог олимлар бахтига қабилалар табиий офатдан омон чиқди.

Никобар ва андаманликларни қадимий қабилалар сирасига қўшишади. Масалан, бўйи 150 см.лик негрито одамлари ҳақида Ўрта аср сайёҳи Марко Поло ҳам ўз хотираларида ёзган.

**Корубо.** Қабилани бошқалардан яққол ажратиб турувчи хусусият – одамхўрлик, илмий тилда айтганда каннибализм. Амазонканинг ғарбий қисмида яшовчи ёввойи одамлар ғоят агрессив характерга эга, деб хулоса қилади олимлар. Улар тирикчилик учун ов билан шуғулланишади, бироқ дўппи тор келиб, қора кунлар билан рўбарў бўлган пайтларида кучлилар ожизларни ейиши ҳам одатга айланган. Бундан ташқари, корубоéchelle гўдак болаларни ўлдириш одати ҳам учрайди.

**Папуа Янги Гвинея каннибаллари.** Папуа Янги Гвинеяда яшовчи ял, вануату ва карафа қабилалари ҳам одамхўрлиги билан тилга тушган. Улар баъзида очлик туфайли ўз яқинлари жонига қасд қилишади. Яна айрим ҳолатларда – диний расм-русумлар ва маросимларни адо этиш чоғида ҳам ана шундай шафқатсизлик рўй беради. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, мазкур қабилаларда яқингача Ўлим деб номланган маросим ўтказилган. Диний руҳдаги маросим пайтида руҳоний (шаман) ўлдирилган ва унинг мияси ейиш учун қабила бошлиғига тақдим этилган.

Тараққиётнинг юксак чўққилари забт этилаётган бугунги даврда ибтидоий тузумда яшаётган одамлар ҳақидаги хабарлар ақлбовар қилмас ҳодиса сифатида қабул қилиниши мумкин. Лекин дунё мавжуд экан, унда яхшилик ва ёмонлик, бойлик ва қашшоқлик, оқ ва қора, кеча ва кундуз каби бир-бирига қарши тушунчалар яшаб келади. Шу маънода юксак тараққиётнинг иккинчи қутбида ибтидоийлик мавжудлиги ҳам табиий воқеликдек туюлади.

**Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида Нурали ПАРДАЕВ тайёрлади.**

# МАЪНАВИЯТ

УЧРАШУВ

## Замоннинг ўзи ўз қаҳрамонини яратади



**Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Халқаро Амир Темур ҳайрия жамғармаси раиси**

*Халқимизнинг таниқли ёзувчиси Муҳаммад Алининг салмоқли романлари, ўзига хос шеърияти китобхонларнинг севимли асарларига айланганлиги рост. Қолаверса, унинг "Сарбадорлар", "Гумбаздаги нур", "Боқий дунё", "Сен бир гулсан", "Абадий соғинчлар" номли китоблари ўзбек адабиётида муҳим ўрин тутади.*

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида севимли адибимизга "Улуғ салтанат" тарихий роман-диологияси учун Давлат мукофоти берилганлиги адабиёт аҳлини чинакамига қувонтирди.*

*Ёзувчи Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ҳақида олиб бораётган янги ижодий изланишларини биз билан ўртоқлашаркан: — Толени қарангки, Амир Темур мамлакат ва миллат тақдири учун муҳим бўлган шундай бир пайтда жаҳон тарихи майдонига кириб келди. Бу ҳам унинг манглаи ёруғлигини кўрсатиб турибди. Замоннинг ўзи ўз қаҳрамонини яратади, — дейди адиб.*

**— Дарҳақиқат, истиқлол шукуҳи ила Амир Темур номи абадийлаштирилгач, Соҳибқирон ҳаёти билан боғлиқ кўплаб тарихий асарлар яратилди. Ўзингиз ҳам анча йиллардан буён буюк бобомизни астойдил ўрганиб келаётган ижодкор бўлиш билан бирга Халқаро Амир Темур ҳайрия жамғармасининг раиси сифатида фаолият юритиб келмоқдасиз. Даставвал суҳбатни кўпчиликни бирдек қизиқтириб келаётган Амир Темур тузган салтанат қудратининг тилсимлари ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак...**

— Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақида доим айтилса ҳам такрор саналмайдиган ҳақиқатлар бор. Уларни эслаб турмоқ кони савобдир. Энг аввало шуни айтиш керакки, Соҳибқирон Амир Темур оддий халқ ичидан чиққан чинакам қаҳрамон деса бўладиган буюк сиймодир. Темурбекнинг отаси Муҳаммад Тарағай кешлик оддий амирлардан бири эди. У ҳеч қачон юрт бошлиғи бўлмаган, лекин ўзининг одамийлиги, тақводор мусулмон инсон эканлиги билан юртда катта ҳурматга сазовор эди. Машҳур Шайх Шамсиддин Кулол муриди бўлган Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича: "...уламо ва сулаҳо ва муттақиларга мушфиқ ва меҳрибон эрди..." Онаси эса Тегина Хотун бухоролик Садр аш-Шаръия қизлари бўлган. Темурбек ана шу оилада ўсиб вояга етди. Болалигиданоқ унинг қалбида кўпни, юртни бошқариш меҳри, орзуси уйғонади. Назаримда, эсини таниганиданоқ Темурбекнинг бошқа орзуси бўлмаган бўлса керак. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Темурбек 12 ёшида бутун тенгқурларини йиғиб, уларга бош бўлиб "подшо-вазир" ўйнашар экан. Темурбек, албатта, подшо бўлган.

Дарҳақиқат, Амир Темурда худо берган буюк салоҳият мужассам эди. Милодий 1358 йилдан кейин, яъни Амир Қозоғон вафотидан сўнг мамлакатда бошбошдоқлик юз берди. Ҳар шаҳарда бир ҳоким, ҳар қасабада бир сардор ҳукмдорлик қиларди. У пайтлар тахтсиз мамлакат эди юртимиз. Бобомиз энг аввало, ўзбошимча амирларнинг бошини бириктириш йўлидан борди, баҳамжиҳатликка, иноқликка интилди. Бу йўлда вақтини, молини, бойлигини аямади. Энг муҳими, ўзининг фидойилиги ва инсонийлиги оқибатида атрофига қаттиқ ихлос кўргизган ва хизматдан чарчамайдиган ажойиб дўстларини, баҳодирларни, мардларни йиға олди. Шуниси қизиқки, Амир Сайфиддин некуз, Амир Жоку барлос, Аббос Баҳодир сингари ва бошқа кўп сафдошлари, ҳали Соҳибқирон давлат бошига келмай туриб ҳамфикр бўлган дўстлари то умрларининг охиригача ёнида бўлдилар ва Соҳибқирон Амир Темур ҳаётида, давлатимиз тақдирида муҳим роль ўйнадилар. Амир Темур ўз салтанатини, давлатчилигимиз тарихида буюк намуна бўладиган давлатни, айтиш мумкинки, йўқ жойдан барпо этди. Давлатнинг янги қонунларини ишлаб чиқди, бу қонунлар ҳаётнинг талаби билан дунёга келди.

Президентимиз Ислом Каримов Амир Темур тарихига бағишланган маъруза ва мақолаларида тўртта нарсага диққатни қаратадилар. Биринчи, Амир Темур буюк давлат арбоби; иккинчи, Амир Темур буюк бунёдкор. Яқинда Соҳибқироннинг бунёдкорлик фаолиятини ўрганаётиб, бир нарсага амин бўлдим. Ўша замонда, ажабо, бошқа мамлакатларда урушлар кетарди, Соҳибқирон юртида қурилишлар тинмасди. Уруш ва қурилиш... Учинчиси, илм-фан ҳомийси; тўртинчиси, буюк саркардалик фаолияти. Бу Амир Темур тарихига тамомила янгича қараш намунасидир.

**— Умуман... шўро тузумида Темурийлар тарихи қора буёқларда тасвирлаб келинган. Соҳибқирон шахсияти тўғрисида ҳар хил ривоят, афсоналар юради. Сиз бобомиз тарихини ўрганган адиб сифатида айтинг-чи, тасаввурингизда Амир Темур қандай гавдаланади?**

— Амир Темур тарихи Шўро тузуми даврида бир ёқлама ўрганилиб келинганлиги бугун кўпчиликка аён. Соҳибқирон асосан саркарда сифатида машҳур бўлган. Дунёда уни машҳур саркардалар Искандар ва Чингизхон қаторига қўйишган. Шундай бўлгач, албатта, Амир Темурнинг фақат ҳарбий юришларига диққати қаратилган. Уруш эса ўз номи билан уруш, унинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган ўз қонуниятлари бор. Жойлар вайронага айланади, қурбонлар бўлади, фалокат юз беради ва ҳоказо... Бундан кўз юмиш қийин. Лекин юқорида айтилганидек, тўртта фазилатдан асосан, фақат саркардалик фаолиятигина жаҳон олимлари томонидан ўрганилиб келинган. Шу сабабдан Соҳибқирон ҳақидаги китобларнинг жуда кўпчилиги ана шу юришларга бағишланган ва дунёга тарқалган.

Амир Темур шахсияти ҳақида сўрадингиз. Бу шахсият жуда ҳам бой ва теран мазмунга эга. Халқимизда "бутун одам" деган ибора бор. Таъбир жоиз бўлса, Амир Темурни бутун одам дегим келади. Бу дегани камкўсти йўқ дегани бўлади. Лекин бобомизда ҳам камчиликлар бор эди. Менинг назаримда, бу унинг ўта ишонувчанлиги ва ортиқча раҳмдиллигидир. Амир Темур Низомиддин Шомийнинг таъбири билан айтганда, бошлаган ишини охирига етказмай қўймайдиган, ёлғонни ёмон кўрадиган, агар у ҳақда аччиқ ҳақиқатни айтсалар сабр қилиб тинглай оладиган, айтган сўзи билан иши бир, Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, ўз вақтини маишат билан ўтказишга қизғанадиган инсон эди. Ҳар нарсада меъёрни билган, меъёр ҳаётнинг чинакам мезони эканини сўнгигача англаб етган ва бунга амал қилган буюк зот эди. Оилада суюкли ёр, меҳрибон падар, улуғ бобо бўлган. Фарзандларига ниҳоятда меҳрибон эди ва ҳар фарзанди туғилганда карнай-сурнайлар чалдириб, ўзининг қувончини бутун мамлакат билан баҳам кўрарди. Бобомиз фарзандларининг тарбияси билан қаттиқ шуғулланганлар. Уларни уйлаш, тўйларини ўтказиш Соҳибқироннинг энг ёқимли машғулотларидан бўлган. Бирданига бир неча амирзода ва маликаларнинг тўйларини қўшиб ўтказар эканлар. Соҳибқирон садоқат ва ихлосни жуда ҳам қадрлаган. Агар душман аскари асир тушса, унинг қандай жанг қилгани ва қандай асир тушганини суриштирар эканлар. Агар асир қочиб ўтган бўлса, Амир Темур уни ўзининг энг ашаддий душмани деб ҳисоблар экан. Чунки у ўз юртига хиёнат қилди. Агар ўша аскар жон-жаҳди билан жанг қилган бўлса, уни юртининг ва лашкарбошисининг тузини оқлади, деб ардоқларканлар.

**— Францияда ҳам Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш ва тарғиб этиш билан шуғулланадиган жамият фаолият кўрсатиб келаётган экан. Жаҳон мамлакатларида ҳам бобомизга кўрсатилаётган бундай эҳтиромнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?**

— Бу саволга қисқа жавоб беришга ҳаракат қиламан. Амир Темур бобомизнинг жаҳон тарихида катта хизматлари бор. Жумладан, бобомиз Европани Йилдирим Боязиднинг муқаррар ҳужумидан, Россияни Олтин Ўрданинг шафқатсиз зулмидан қутқарган буюк саркардадир. Шу сабабдан, Европада Испания, Англия, хусусан, Францияда Амир Темур даврини, унинг тарихини ўрганишга қизиқиш катта. Тўғри айтдингиз, Францияда "Темурийлар" жамияти ишлаб турибди. Уни машҳур француз тарихчиси ва адиби Люсьен Карэн бошқаради. Люсьен Карэн Тошкентда бўлганида, Амир Темурни Европа халоскори сифатида олтиндан ҳайкали борлиги ҳақида гапириб берганди.

**— Неча асрлар ўтганига қарамай, Амир Темур авлодлари — Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Комрон Мирзо қолдирган маънавий меросдан нафақат сизу биз бутун дунё баҳраманд бўлиб келаётир. Темурийлардан келажак авлодларга яна қандай улкан хазиналар қолган?**

— Энг аввало, Темурийлардан қолган маънавий хазинани айтмоқчи эдим. Унинг баҳоси йўқ, Амир Темур бобомиз илм-фанни ривожлантириш учун имконият яратиб берди ва фан-маданиятимиз жаҳонга машҳур бўлди. Яна бир хазина бу Соҳибқирон ва унинг авлодлари бунёд этган шаҳарлар, бинолар, мадрасалар... Хазина билан боғлиқ бир тарихий воқеа хаёлимга келди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳруҳ Мирзо милодий 1409 йилда Самарқандга келганида Кўксаройга, хазинага кирибди. Хазина бўм-бўш экан. Ногоҳонда оёқ тагида бир нарса ялтираб кўринибди. Шоҳруҳ Мирзо эгилиб бир дирҳам тангани қўлига олибди ва артиб, ўпиб кўзларига суртибди-да, дебди: – Аллоҳга шукр, падари бузрукворимиздан бизга ҳам улуш тегди...

— Хазина қани? — деб сўрайман ўзим-ўзимдан. Кейин бунга жавоб топаман. Хазина ана, жаҳонгир бунёд этган биноларда, саройларда, шаҳарларда...

**— Жаҳонгирнинг жанг санъати ҳақида тўхталсангиз...**

— Саркарданинг жанг санъати жаҳон ҳарб тарихининг ёрқин саҳифаларидан бири ҳисобланади. Амир Темур ўз замонасига нисбатан анча олдинлаб кетган буюк саркарда эди. Жаҳонда саркардалик фаолиятига катта қизиқиш билан қаралишини эслайлик. Бу санъат ҳақида китоблар ёзилган. Уларни ўқиб кўп нарсаларни билиб олиш мумкин. Энг аввало, бу "Темур тузуклари" ёдгорлиги. Дарвоқе, яқинда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли маънавий ва моддий ҳаётимизнинг уйғунлиги, маънавиятни англаш, маънавият ва жамиятнинг янгиланиши, инсон қалбига очилган қутлуғ ва ёруғ йўл, маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар, глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар ҳақидаги сермазмун ва ҳаётий тажрибаларга бой китобини ўқиётиб, қуйидаги сўзларига дуч келдим. *"Шахсан мен "Темур тузуклари"ни ҳар гал ўқир эканман, худдики, ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан, — деб ёзади Юртбошимиз. — Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман..."*

Бу ибратли сўзлар Соҳибқирон қаламига мансуб асарнинг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлаб турибди. Шуни айтиш керакки, Амир Темурнинг ҳарб санъати, тарихи мана олти юз йилдирки, жаҳон ҳарбий академияларида ўрганилиб келинади. Масалан, машҳур француз императори Наполеон ўз юришларида Соҳибқироннинг жанг санъатидан унумли фойдаланган экан.

**— Неча бор гувоҳи бўлганимиздек, ҳар йили Қашқадарёда Амир Темур таваллудига бағишлаб оламшумул тадбирлар ўтказилади. Соҳибқирон туғилган "Хўжа илғор"га борсангиз қалбингиздан қандай туйғулар кечади?**

— Умуман... Шаҳрисабзда юрганимда, Оқсаройга борганимда, Жаҳонгир Мирзонинг қабрини зиёрат қилганимда ўзимни бошқача ҳис этаман. Бобомиз билан боғлиқ тарихий жойларни кўриб ҳайратланаман, куч-қувват оламан.

**— Нега ҳали ҳануз Амир Темур ҳақида юракларни ларзага соладиган кинофильмлар яратилмаяпти. Жамғарманинг ана шу борада бирор амалий таклифи, режаси борми?**

— Албатта, сиз айтганингиздек, бобомиз ҳаётини ўзида мужассам этадиган жуда зўр кинолар ҳали яратилади. Жамғармамизнинг фаоллари билан жойларда бўлган учрашувларда ҳам юқоридагидек саволларга кўп дуч келамиз. Шу пайтгача яратилган "Буюк Амир Темур" фильмининг номи менга жуда ёқади... Албатта, буюк тарихимиз бор, шак-шубҳасиз ана шундай хайрли ишларда жамғармамиз камарбаста бўлиши керак деб ўйлайман.

**— Шоир шеър ёзолмай қолса, насрга мурожаат қилади, дейишади. Лекин шеърларингизни ҳам ўқиб, тинглаб ҳайратланамиз. Ҳамма гап истеъдоддами ёки маҳоратда?**

— Билмадим. Менимча, ҳар иккисида ҳам бўлса керак.

**— Ҳозирги китобхонлик савияси қай даражада? Сизни қониқтирадими?**

— Қониқтирмайди. Битта дўстимнинг сўзлари эсимга тушди. Дўстим болаларига дебди: — Битта китоб ўқисанг, беш минг сўм бераман. Китобни ўқиб тугатгач, битта-иккита саволимга жавоб берсанглар бўлгани.

— Хўш, неча пулинг кетди?- деб сўрадим. Дўстим бош чайқади.

— Пулим ҳали ёнимда турибди...

Лекин умидсизликка ўрин йўқ. Ҳозир китобларга қизиқиш кучайиб бормоқда. Биз албатта китобхон мамлакат бўламиз.

**— Сиз жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири ҳисобланган "Рамаяна" эпосини ҳинд тилидан ўзбек тилига муваффақиятли таржима қилгансиз. Ўзбек китобхонлари учун яна қандай дунёнинг шоҳ асарларини таржима қилиш ниятидасиз?**

— Вақтим бўлса, жаҳоннинг таниқли мумтоз шоирлари шеърларини таржима қилиш ниятидаман. Бир пайтлар Роберт Бёрнс шеърларини таржима қилгандим. Балки шуни давом эттирарман. Умуман, Петрарка, Байрон, Рембо каби шоирларнинг шеърларини ўзбекчада ўқишни истардим.

**— Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз...**

— Жамғармамизда Амир Темур бобомиз қаламига мансуб "Темур тузуклари"нинг уч тилда – ўзбекча, русча, инглизча нашри устида иш олиб борилмоқда. Ўзимга келсам, Соҳибқирон Амир Темур тарихи ҳақидаги изланишларимни давом эттирмоқчиман.

**Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.**

ҲА-ЁТ!

## Нохолис иш

### унда унум ҳам, савоб ҳам, файз ҳам йўқдир

*Бу дунёнинг бизга маълум, номаълум қирралари, сир-синоат, жумбоқлари жуда кўп. Улар билан ногаҳон рўпара келиб қолганимизда, у ер-бу ердан эшитган, ўқиган маълумотларгина хаёлга келади. Ҳаётни олдиндан билиш, ўзгалар тақдирига аралашиш, инсон қисматини ўз истаклари йўлига солишга уриниш сингари ҳаракатларни тилга олишнинг ўзиёқ кўнгилда дилгир, нохуш кайфиятлар уйғотади. Аслида булар ҳақида муқаддас китобимиз — "Қуръону Карим" ҳамда Пайғамбаримиз с.а.в. дан марҳамат қилинган ҳадисларда илгари сурилган фикр ва қарашларга суянамиз, улардан чиқарилган хулоса ва ўгитларга таяниб, турмушимизни йўлга қўямиз.*

Динимиз ўзимизга қайтганидан сўнг кишиларнинг исломий тушунчалари кенгайиб бораётгани, юз хил турдаги исломий китоблар ва қўлланмалар териб қўйилган савдо расталарининг борлиги кишини хурсанд қилади. Лекин минг афсус, ҳамма ҳам бу китобларда қайд этилган, ота-боболаримиз риоя этган муқаддас ўгитларга амал қилавермайди. "Ҳозирим — ҳузурим" қабилида турмуш кечириб, нафақат ўз ҳаётлари, балки ёнгиналарида тинчгина умргузаронлик қилаётган қон-қариндошлари дунёсига ҳам чалкашликлар солишга, бузуқликлар қилишга уринадиган кимсалар бор.

Яқинда уйимизга водийдан уч-тўрт киши меҳмонга келишди. Суҳбатимиз мавзуси одамлар орасида иссиқ-совуқ, илму амал қилишга ружу қўйиш иллати авж олаётганига тақалди. Айниқса, водий вилоятларида бу иллат яширин тарзда рўй бераётганини меҳмонлар шундай ҳикоя қилишдики, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Бирор нуфузли ташкилот раҳбари қабулига ўз талаб ва илтимоси, лойиҳаси билан кирмоқчи бўлган киши аввало биз ҳикоя қилаётган мавзу "мутахассис"ларига йўлиқиб, уларнинг махсус маслаҳат ва йўриғларини қўлга киритишар эмиш. Шундан сўнг раҳбар ҳузурига "яшил чироқ" ёнармиш. Яъниким, ҳар қандай раҳбар бундай "сеанс"лардан кейин киргувчини очиқ чеҳра билан қаршилаб, истакларини имкон қадар қондиришга уринар эмиш. Илгарилари азайимхон муллалар деб аташарди бундай кимсаларни. Эндиликда халқ орасида уларни башоратчи, фолбин, бахши, ҳатто билиб-билмай экстрасенс деб ҳам юритишади. "Бозор муносабатларига ўтиш билан азайимхонларнинг фаолият дастурлари ҳам кенгаяди-да", — дея кулгига йўяди фарғоналик меҳмонлардан бири. — "Эчкига жон қайғуси, қассобга мой", — деганларидай, ҳамма яшаш, тирикчилик учун ўзини ўтга, чўққа ураётган паллаларда нега энди "иссиқ-совуқ, илму амал" билан кун кўрувчилар бир чеккада жим туришлари керак? Сал қолса, аскияга айлантирмоқчи шеригининг сўзларидан ёши улуғроқ отахон ҳушёр тортиб, гап бошлади: — Бу ишларнинг гуноҳи оғир, уни қилганлар ҳам, шунга амал қилаётганлар ҳам иймонидан айрилгандай бўладилар. Иймонидан айрилиш, астағфуриллоҳ, яъни кофир бўлмоқ, деганидир. Табиати қувроқ меҳмоннинг бўйин эггиси келмадими, тортишмоқчи бўлдими, ҳар қалай яна савол ташлагандай давом эттирди: — Э, ака, шу ишларни қилиб юрган нечта диндор кишиларни мисол келтирай, айтинг?

Энди, бу ерда гап мисол қалаштиришдамас, иним, ҳар ким икки дунё ҳисоб-китобини ўзи беради, — деди отахон шўрданак чақаркан, — Гапнинг моҳияти илму амал, сеҳр-жодунинг нопоклигида. Мана шу шўрданакларнинг ҳам уч-тўрттаси мағзи тўқ чиқса, битта-яримтаси пуч! Бир қараганда, одамзот ҳам шундай гап. Аллоҳнинг китобида бундай ишлар ман этилганми, бўлди, уни қилмаслик керак, тамом-вассалом!

Бу гаплар мени бир инсон сифатида жуда ташвишга солди. Шу сабаб Тошкентнинг Чорсу майдонида жойлашган Хўжа Аҳрор Валий масжидига, Тошкент шаҳар имом хатиби Анвар Ҳожи Кўчқор ўғли ҳузурига келиб, юқоридаги мавзу юзасидан фикрларини сўрашга ундади. У киши шундай дедилар: *"Ислом дини илм, маърифат, яхшилик динидир. Бунга "Қуръону Карим"нинг қайси саҳифасини очсангиз, гувоҳ бўласиз. Иссиқ-совуқ амаллари, сеҳр-жоду масалаларида ҳам шундай ёндашилади. Унинг мавжудлиги айтилиб, бу сингари нопокликлар кофир жинлар иши эканлиги уқтирилади. Жумладан, "Моида" сурасида шундай дейилади: "Эй, имонли кишилар, сизларга маст қилувчи ичимликлар, қиморбозлик, бут-санамларга сиғинишлик, фолбинлик ва сеҳргарлик ҳаром қилинди. Бу ишлар нопок ишлардир, улардан узоқ бўлинглар, шоядки нажот топсарингиз." Ёки "Бақара" сурасида Аллоҳ таолло Сулаймон а.с. даврларида сеҳргарликка берилган кишиларни куфр эгалари, диндан чиққан кишилар эканлиги таъкидланади. Пайғамбаримиз с.а.в кимки, фолбин ё коҳинлар қошига борса, қирқ кунлик ибодати бекор бўлади, унинг сўзларини тасдиқласа, кофир бўлади, деганлар. Бу каби кишиларнинг касофатидан жамият катта зарар кўради. Улар оилалар ичида, жамоалар орасига бузғунчилик солиб, бирбирларига ишончсизлик туғдирадилар, қариндош-уруғлар ўртасида ваҳимачилик, хавотирлик уйғотадилар. Агар зимдан диққат қилсангиз, шундай ишлар билан шуғулланувчи кимсаларнинг уйларида нотинчлик ҳукм суради, фарзандлар беоқибат, мушкуллар бисёрлигини пайқаш қийин бўлмайди. Мана ҳаётий бир мисол: яқинда бир онанинг уйига бориб, муҳит ўрганилганда, икки келин кетиб қолгани, ўғиллар безорилик йўлига кирганининг гувоҳи бўлдик. Суриштирганимизда, она иссиқ-совуқ, сеҳр-жоду сингари нопок ишлар билан шуғулланиши маълум бўлди. Кўраяпсизми, она ўз уйига била туриб, разолат, кўзбўямачилик, бузғунчилик олиб кирган. Кўп ўтмай, бу иллатларнинг оилага, албатта, касри урган, нопоклиги аён бўлган. Ислом дини ҳар қандай ишни адолат билан, ҳеч қандай ғирромликсиз, холисона туриб бажаришни буюради. Холис қилинмаган ишда унум ҳам, савоб ҳам, файз ҳам йўқдир!*

Баъзида ака-ука қон-қариндошлар мол-дунё, мерос, мавқе талашиб, юзкўрмас бўладилар. Кечагина бир қориндан тушиб, битта нонни бўлиб еганлар, бугун нафратларига чора излаб, илму амал пешволарининг остонасини тешадилар. Ўзларига буюрмаган мол-дунё бошқаларгаям насиб этмаганини кўриш мақсадида маблағ, куч ва асабларини исроф қилишдан ҳоримайдилар. Юқорида пойтахт шаҳар имом хатибининг сўзларидан келиб чиқиб, айтиш лозим бўлса, демак, бундай кишилар ўз ихтиёрлари билан иймонларини "арзимас мато"ларга пуллаб келадилар. Бу матолар — ёлғон, риё ва куфр! Уларнинг ниҳояси гуноҳи кабира, яъни диндан чиқишдир.

Инсу жинлар орқали бирбирларига тош тугул, заҳарзаққум отаётганлар сафида хотин-халажнинг кундошлар деган тоифаси ҳам туради. Мураккаб, талатўп, шунингдек, ўта нозик турмуш ҳосиласи саналмиш кундошлар азал-азалдан бир-бирларига ётликлари ҳаммага аён. Буни қарангки, бир инсон теварагидаги бу икки, баъзида уч хотиннинг талашиб-тортишувлари оқибатида аслида эркак емирилиб борар экан. Икки хотин икки ёқдан сеҳр-жоду, илму амал кучлари билан эрни охироқибат дардга чалинтириб, хонавайрон қилишини кўпни кўрганлар тасдиқлашади.

Аёлнинг оилада эркак фақат мен ва фарзандларим томонида турсин, унинг топган-тутганлари нуқул мен ва фарзандларимга буюрсин, қабилидаги тўғридай кўрингани билан замирида худбинлик, кибр аён бўлиб турган интилишлари Яратганга хуш ёқмаслиги тайин. Яна шуниси аянчлики, баъзи аёллар эркакни ўз яқинлари — ота-онаси, жигарларидан узоқроқ тутиш мақсадида иймондан айрилиш "даргоҳ"ларига югурадилар. Аёлнинг нодонлиги, паст дунёқараши туфайли бутун бошли хонадон аҳли жаҳаннам қирғоғига келиши мумкин экан. Бундай кимсалар то бошлари бориб, бирор берк кўчага урилмагунча, турмуш чорраҳаларида сарсон кезадилар. Ундайлар назаримизда истиғфор бекатида тин олганларидан сўнг, яъни тавба-тазарру қилиб, ҳар қандай юмуш ва бурчни иймон нури билан бажариш пайига тушсаларгина, асл манзиллари йўлини пайқашлари аёнга ўхшайди.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА, "Ҳуррият" мухбири.**

АКС САДО

## Кинолар завқ бағишласин

**("Сериалсевар болалар". "Ҳуррият", 2008 йил 30 апрель)**

Феруза Худойқулованинг мушоҳадага чорловчи "Сериалсевар болалар" деб номланган мақоласини ўқиб, кўпчиликни қийнаб келаётган муаммолар қисман бўлса-да ёритилганидан мамнун бўлдим.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Спорт" телеканаллари сериаллар намойиш этишда "кимўзар"га ўтиб олишди. 19.30 да "Алия", унинг кетидан "Аччиқ ёлғон", кейин "Жумонг", ундан сўнг "Сўнгги қиролича"... Хуллас, кун ботгандан то ярим тунгача каналлар сериал қўйишдан, томошабинлар уни кўришдан чарчашмайди. Лекин ўзимизнинг тарихимиз, маънавиятимиз, миллий мафкурамизни тарғиб-ташвиқ қиладиган фильмлар, кўрсатувлар кўпроқ намойиш этилса яхши бўларди.

Афсуски, бугун ёшларнинг асосий вақти сериалларни кўришга сарфланяпти. Устига устак Туркия сериалларида ўрнак олса арзийдиган қаҳрамоннинг ўзи йўқ. Ёппасига алдаш, хиёнат, бойлик учун ҳеч нарсадан тап тортмаслик, вафосизлик тарғиб қилинади. Буни тўғри англай олмаган айрим ёшлар ёмонликни, иллатни фазилат даражасига кўтармайди, деб ким кафолат беради?

Шундай экан, сериалларни "Ойнаи жаҳон" орқали намойиш этишда, аввало, ёшларимизга қай даражада ижобий таъсир кўрсатишини инобатга олиш керак эмасми?

Бу билан телевидениеда ҳозирги пайтда намойиш этилаётган барча кинофильмлар ҳам ёмон деган фикрни илгари сурмоқчи эмасман. Аксинча, Япония киноижодкорлари томонидан ишланган "Ошин", Корея фильмларидан "Сарой жавоҳири", "Сўнгги қиролича" каби фильмларни завқ билан томоша қиласан киши. Айтмоқчиманки, намойиш этиладиган фильмлар томошабинга ҳам завқ бағишласин, ҳам тарбиявий жиҳатдан етук бўлса эди.

**Норқувват ТЎРАЕВ, журналист.**



